

## ЗАМОНАВИЙ ДУНЁДА ДАВЛАТ ВА ДИН МУНОСАБАТЛАРИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

**Рашидов Фируз Туйғунович**

Ўзбекистон халқаро ислом академияси катта ўқитувчиси

E-mail: [rashidov77@mail.ru](mailto:rashidov77@mail.ru)

### АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада замонавий дунёвий давлатларда давлат ва дин муносабатлари, диннинг ижтимоий ҳаётдаги ўрни, давлат ва дин муносабатларининг кооперацион ва сепарацион типлари муҳокама қилинган.

**Калит сўзлар:** давлат, дин, диний ташкилот, секуляр, кооперацион, сепарацион

## ОСОБЕННОСТИ ГОСУДАРСТВЕННО-РЕЛИГИОЗНЫХ ОТНОШЕНИЙ В СОВРЕМЕННОМ МИРЕ

**Рашидов Фируз Туйғунович**

старший преподаватель Международной исламской академии Узбекистана,

E-mail: [rashidov77@mail.ru](mailto:rashidov77@mail.ru)

### АННОТАЦИЯ

В данной статье рассматриваются государственно-религиозные отношения в современных светских государствах, роль религии в общественной жизни, кооперационный и сепарационные типы государственно-религиозных отношений. **Ключевые слова:** государство, религия, религиозная организация, светская, кооперационная, сепарационная.

## FEATURES OF STATE-RELIGIOUS RELATIONS IN THE MODERN WORLD

**Rashidov Firuz Tuygunovich**

senior lecturer of the International Islamic Academy of Uzbekistan,

E-mail: [rashidov77@mail.ru](mailto:rashidov77@mail.ru)

### ABSTRACT

This article examines state-religious relations in modern secular states, the role of religion in public life, cooperative and separation types of state-religious relations.

**Key words:** state, religion, religious organization, secular, cooperative, separatist

Бугунги кунда глобаллашув замонида инсоният ҳаётида туб ўзгаришлар содир бўлмоқда. Инсонларнинг яхши ҳаёт ёки иш излаб бир мамлакатдан

иккинчи мамлакатга кўчиб ўтиши, миграцион жараёнлар ва маданиятлар қоришуви, глобализациянинг жадаллашишига сабаб бўлмоқда.

Бундай жараёнларда давлатларда давлат ва дин муносабатлари, муайян давлатда давлатнинг дин борасидаги сиёсати, қонунчилиги, диннинг ижтимоий ҳаётдаги роли масалалари мигрантлар учун аҳамиятли ҳисобланади. Дунёда давлат ва дин муносабатлари таҳлил қилинадиган бўлса типология бўйича дунёвий (секуляр) мамлакатлар сони борган сари кўпайиб бормоқда. Дунёвий давлатлар типологиясига тўхталиб айтиш мумкинки, Европа, Осиё ва Марказий Осиёдаги айрим давлатлар, шунингдек, АҚШ дунёвий давлатлар ҳисобланади. Давлатнинг конфессиялар билан ҳамкорлик режими диний ташкилотларнинг давлатдан ажратилишини назарда тутди.

Дунёвий давлатларнинг иккита модели тавсифланиб, улар: сепарацион ва кооперацион моделлардир. Сепарацион моделда давлат диний ташкилотлар билан ҳамкорлик қилишдан ўзини чегаралайди. Кооперацион моделда эса давлат муайян соҳаларда диний ташкилотлар билан ҳамкорлик қилади. Дунёвий давлатнинг мазкур моделлари кўринишлари ҳақида россиялик машҳур ҳуқуқшунос олимлар И.Понкин, М.Шахов, Н.Володиналар тавсиф бериб ўтган.

М.Шахов дунёвий давлатларни сепарацион ва кооперацион моделдан ташқари сегрегацион моделга ҳам ажратишни таклиф қилиб, ушбу тип атеистик давлатлар учун хос эканлигини эътироф этади ва собиқ СССР давлатини мисол сифатида келтиради. Дунёвийлик тамойилининг нуфузли тадқиқотчиларидан бири – И. Понкин эса динга қарши расмий мафкурага эга бўлган давлатларнинг мафкуравий бетарафлиги йўқлиги сабабли уларни умуман дунёвий типга киритиш мумкин эмас, дейди. Н.Володина дунёвий давлатни “атеистик давлат”га ва “виждон эркинлиги тамойилларига асосланган маданий ҳамкорлик”ка асосланган давлатларга ажратишни таклиф қилади.

Фикримизча, И.Понкиннинг ёндашувлари дунёвий давлат тамойилларига ҳар жиҳатдан тўғри келади. Чунки дунёвий давлатларда бирор динга эътиқод қилиш ёки эътиқод қилмаслик ҳар кимнинг хусусий иши сифатида кўрилади. Бунда давлат томонидан бирор динга алоҳида устуворлик берилмаслиги билан бирга таъқиб ҳам қилинмайди.

Аҳолисининг асосий қисмини мусулмонлар ташкил этувчи Саудия Арабистони, Қатар, Баҳрайн Миср, Туркия каби мамлакатлар қонунларида оила бирламчилиги эътироф этилиб, диний ташкилотлар, албатта, оила билан ҳамкорлик қилиши, таълим муассасаларида турли фанлар билан бирга диний билимлар ҳам бериб борилиши қайд этилса, Қувайт, Бирлашган Араб Амирликлари, Уммон давлатлари қонунларида таълимнинг диний характери алоҳида белгиланмаган ва давлат борган сари дунёвийлашиб бормоқда.

Австралия давлат мактабларида дин мажбурий фан сифатида ўргатилса, Америка Қўшма Штатларида факултатив фан сифатида ўргатилади. Исроил давлат мактаблари иккига бўлиниб: улар умумий ва диний мактаблардан иборатдир. Япония таълим тизимида эса динга эмас, балки миллий кадриятлар устунлигига катта эътибор қаратилади.

Назаримизда кооперацион моделга мансуб дунёвий давлатларни ҳам иккита типга ажратиш мумкин бўлиб, уларнинг биринчиси жамиятнинг бошқа институтлари олдида устунликка эга бўлган битта конфессия билан ҳамкорлиги, иккинчиси эса давлатнинг бир нечта конфессия билан тенг ҳамкорлигидир.

Дунёвий давлатчилик тарихи Фарбга, Америка Қўшма Штатларига бориб тақалиб, АҚШ ўзини дунёвий давлат деб эълон қилган илк давлатлардан ҳисобланади. Ушбу давлатда ҳеч қачон расмий дин мавжуд бўлмаган. АҚШ Конституциясига киритилган биринчи ўзгариш ҳам ҳар бир америкалик учун динга эркин эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқини кафолатлайди. Бугунги кунда эса Америка Қўшма Штатлари давлат ва диний ташкилотларнинг ўзаро ҳамкорлиги минимум даражани касб этувчи сепарацион моделга хосдир.

АҚШ Конституциясига киритилган 1791 йилги биринчи тузатишларда “Конгресс динни ўрнатиш ёки уни эркин амалга оширишни таъқиқловчи, сўз ёки матбуот эркинлиги ёхуд одамларнинг тинч йиғилиш ўтказиш ҳуқуқларини чеклашни сўраб мурожаат қиладиган қонунларни қабул қилмайди” – деб ёзиб қўйилган.

Дунёвий давлатлар тараққиётига XVIII аср охири – XIX аср бошларида Европада давлат ва черков ўртасидаги функцияларнинг бўлиниши жараёнида бошланган европача секуляризация жараёнлари катта таъсир ўтказди. Ушбу жараёнларга Франция Республикасининг черковни давлатдан ажратиш ва виждон эркинлигини инсоннинг асосий шахсий ҳуқуқларидан бири эканлигини эътироф этиш ҳақидаги конституцияда мустақамлаб қўйган нормалари ҳам туртки бўлди.

Бугунги кунда Францияда диний ташкилотлар давлатдан ажратилган бўлиб, бу Конституция ва қонунларда ўз аксини топган. Франциянинг 1905 йилги “Черков ва давлатнинг ажратилганлиги ҳақида”ги қонунида Республика ҳеч қандай диний оқимни тан олмаслиги ва улар учун тўлов ва субсидияларни амалга оширмаслиги қайд этилган.

Ўзида социализм таъсирини синаб кўрган мамлакатлар: Польша, Болгария, Словения, Хорватия, Словакия, Чехия, шунингдек, Албания ва Венгрияда давлат ва дин муносабатлари масалалари алоҳида эътиборга молик. Демократик янгилашнишлар бошланиши билан мазкур давлатларнинг барчасида янги

конституциялар, улардан бир нечасида диний ташкилотлар билан боғлиқ муносабатларни тартибга солувчи махсус қонунлар ҳам қабул қилинди. Социалистик лагерга мансуб барча Европа мамлакатлари расман дунёвий давлат принципларини эълон қилган бўлсалар-да, амалда давлат ва дин муносабатлари черковнинг расмий мафкурага бўйсундирилиши негизига қурилди. Давлат социалистик таълимотга амал қилган ҳолда виждон ва диний эътиқод эркинлигини чекловчи турли-туман мажбурлов воситаларини ишга солди. Европанинг пост-социалистик давлатлари ҳозирги конституциялари ва виждон эркинлиги тўғрисидаги қонун ҳужжатларида диний эътиқод мавзусини турлича талқин қилди. Аввало, у бирор мамлакатда тарихан шаклланган анъаналар, жамоатчилик фикри, 80-90 йиллар чегарасида юз берган, давлат ва дин муносабатларига тааллуқли бўлган ижтимоий-сиёсий янгиланишларнинг туб моҳиятини ўзида акс эттирди.

Жумладан, бугунги кунда Европа Иттифоқи аъзоси бўлган Польша давлати Конституциясининг 25-моддасида “Черковлар ва бошқа диний бирлашмалар тенг ҳуқуқлидир. Польша Республикасининг амалдаги ҳукумати диний, фалсафий ва душқарашга оид масалаларда, жамият ҳаётида холисликни ва сўз эркинлигини таъминлайди. Давлатнинг черковлар ҳамда ўзга эътиқод уюшмалари билан ўзаро алоқалари уларнинг автономлиги ва ўз салоҳияти доирасида ҳар бирининг мустақил эканлиги тамойилига қурилганлиги, шахс ва жамият ҳаётининг фаровонлигига қилинган ўзаро ҳаракатга тенгдир...” дейилса, Болгария Республикаси Конституциясида “Диний эътиқод эркиндир. Диний ташкилотлар давлатдан ажратилган. Болгария Республикасида шарқий православ дини анъанавий диндир. Диний жамоалар ва ташкилотлар, шунингдек, диний эътиқодлардан сиёсий мақсадларда фойдаланиш мумкин эмас”, – деб белгилаб қўйилган .

Польша ва Болгария Республикалари қонунчилигини таҳлил қилиб, ушбу мамлакатларда дунёвий давлатчиликнинг кооперацион модели амал қилади, деган хулосага келиш мумкин.

СССР қулагандан кейин мустақилликка эришган аксарият мамлакатлар ўз конституцияларида давлатнинг дунёвий характерини мустаҳкамлаб қўйдилар. Улар Россия, Украина, Беларус, Арманистон, Грузия, Озарбайжон, Қозоқистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистон каби давлатлардир. Виждон эркинлигини амалга ошириш имкониятини бергани сабабли кўпчилик давлатлар учун давлатнинг дунёвий характерда бўлиши нисбатан мақбул саналади. Шу билан бирга диний ташкилотлар таъқиб қилинмайди ва жамиятдан ажратилмайди. Жумладан, Россия Федерациясининг Конституциясида “Ҳар бир инсонга виждон эркинлиги, диний эътиқод эркинлиги, шу жумладан, яқка

тартибда ёки бошқалар билан биргаликда исталган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқи, шунингдек, диний ва бошқа эътиқодларни эркин танлаш, унга эътиқод қилиш ва тарқатиш ҳамда уларга мувофиқ ҳаракат қилиш кафолатланади”, дейилса “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги Қонунида “Россия Федерацияси дунёвий давлат, ҳеч бир дин давлат дини ёки мажбурий дин сифатида ўрнатилиши мумкин эмас, диний ташкилотлар давлатдан ажратилган ва қонун олдида тенгдирлар”, – деб белгиланган.

Бугунги кунда Россия Федерациясида энг муҳим ижтимоий-маданий ҳодиса сифатида жамоатчиликнинг динга қизиқиши ортиб бораётган бир пайтда қонунчиликда диний ташкилотларнинг давлатдан ажратилганлиги эълон қилинган бўлса-да, давлатнинг диний ташкилотлар билан фаол ҳамкорлиги кузатилади. Рус православ черковининг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-маданий, тадбиркорлик, хайрия ва мурувват ишларида эркин фаолият олиб бориш ҳолати, шунингдек, Россия қуроли кучлари билан ҳамкорлигида алоҳида фаоллиги кўзга ташланади. Бу бир томондан дунёвий давлатчилик тамойилининг бузилиши дейилса, иккинчи томондан рус жамиятида юзага келган маънавий инқирозни енгиб ўтишга қаратилган ҳаракат, деб баҳоланмоқда.

Аслида А.Ш.Будагованинг таъкидлашича: “Дунёвий давлат давлатнинг конституциявий белгиси бўлиб, у барча учун расмий, мажбурий диннинг йўқлиги, диний институтлар қоидаларининг ҳуқуқ манбалари сифатида тан олиниши ва уларнинг давлат органлари фаолиятига таъсирининг инкор этилиши, диннинг давлатдан, мактабнинг диндан ажратилиши, ўзининг юрисдикциясини барча фуқароларга тарқатиш имкониятини берувчи диний судларнинг мавжуд эмаслиги...” да кўринади.

Украина, Беларус, Арманистон, Грузия, Озарбайжон, Қозоқистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркманистон давлатларининг амалдаги қонунчилиги бўйича таҳлил қилсак, Арманистон дунёвий давлатнинг кооперацион моделига мансуб бўлса, қолган давлатлар сепарацион моделга мансубдир.

Кооперацион моделга мансуб дунёвий давлатларда нисбатан аҳамиятга эга конфессиялар билан ёки алоҳида шароитларда битта конфессия билан ўзаро ҳамкорлик амалга оширилади.

Бундай ўзаро ҳамкорликнинг қуйидаги асосий шакллари тавсифлаш мумкин бўлиб, улар маданий соҳада, таълим соҳасида, хайрия соҳасида, қуроли кучлар орқали, жинойий-ижро тизимлари орқали ҳамкорлик қиладилар. Ўзаро ҳамкорликнинг ушбу шакллари амалда кооперацион моделга мансуб барча

дунёвий давлатларда мавжуд. Айтайлик, уларнинг қонунчилик билан мустақкамлаб қўйилиши янада конструктив ҳамкорлик учун зарур саналади.

Сепарацион моделга мансуб бўлган АҚШ, Франция, Нидерландия, шунингдек, МДХ ва Шарқий Европа давлатларида ўзаро ҳамкорлик деярли амал қилмайди, дин ҳар бир фуқаро учун хусусий масала ҳисобланади.

Марказий Осиёнинг марказида жойлашган ва бугунги кунда жаҳон ҳамжамиятига тобора интеграциялашиб бораётган Ўзбекистонда ҳам диний ташкилотлар давлатдан ажратилган ҳамда қонун олдида тенгдирлар. Давлат қонунда белгиланган тартибда фаолият кўрсатаётган диний ташкилотлар фаолиятининг эркинлигини кафолатлайди. Мамлакатда расмий рўйхатдан ўтиб фаолият олиб бораётган барча диний конфессияларнинг тенглик ва бағрикенглик тамойиллари асосида фаолият олиб боришини таъминлайди.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати: (REFERENCES)**

1. Конституции государств Африки и Океании: сборник. Том 1. Северная и Центральная Африка / отв. ред. Т.Я. Хабриева. – М.: Институт законодательства и сравнительного правоведения при Правительстве Российской Федерации, 2018. – С. 68.
2. Конституции государств Азии: в 3 т./ под.ред. Т.Я. Хабриевой. – М.: Институт законодательства и сравнительного правоведения при Правительстве Российской Федерации: Норма, 2010. – С. 313
3. Никитин В. Святейший Патриарх Алексей II. Жизнь и деяния во славу Божию. – М.: Астрель, 2009. – С. 640
4. Шахов М.О. Правовые основы деятельности религиозных объединений в Российской Федерации. — 2-е изд., доп. – М.: Изд-во Стретенского монастыря, 2013. – 528 с.
5. Понкин И.В. Правовые основы светскости государства и образования. – М.: Про-Пресс, 2003. – 416 с.
6. Володина Н.В. Теоретические основы правового регулирования отношений государства и религиозных объединений : сравнительно-правовой анализ: Автореф. дис. д-ра юрид. наук. – СПб, 2010. – С.12-15.
7. United States Bill of Rights. [/https://en.wikipedia.org/wiki/United\\_States\\_Bill\\_of\\_Right](https://en.wikipedia.org/wiki/United_States_Bill_of_Right)
8. Конституции государств Америки: В 3т/ Под ред. д.ю.н., проф. Т.Я. Хабриевой. – Т. 1: Северная и Центральная Америка. – М.: Институт законодательства и сравнительного правоведения при Парвительстве Российской Федерации 2006. – С. 820
9. Франция Республикаси Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2018. – Б. 13.

10. Конституция Республики Польши от 1989 г. // <https://legalns.com/download/books/cons/poland.pdf>
11. Конституция Республики Болгарии от 13 июля 1991 г. // <http://www.parliament.am/library/sahmanadrutyunner/bulgaria.pdf>
12. Конституция Российской Федерации/ принята всенародным голосованием 12.12.1993 с изменениями, одобренными в ходе общероссийского голосования 01.07.2020) статья 28. // <http://www.constitution.ru/10003000/10003000-4>
13. Федеральный закон Российской Федерации О свободе совести и религиозных объединениях от 16.09.1997г №125-ФЗ. Статья 3. // <http://pravo.gov.ru/proxy/ips/?docbody=&nd=102049359><sup>1</sup> Конституционное право: Словарь / Отв. ред. д.и.н. В.В. Маклаков. – М., 2001. – С. 436-437.
14. [https://online.zakon.kz/Document/?doc\\_id=31337929&pos=6;-106#pos=6;-106](https://online.zakon.kz/Document/?doc_id=31337929&pos=6;-106#pos=6;-106)